

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди:

№ MQ5A510117-291
2017 йил « 01.08 »



УМУМИЙ УРОЛОГИЯ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси: 510000 – Соғлиқни сақлаш
Мутахассислик: 5A510117 – Урология

Тошкент – 2017

Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 22-08 даги 474-сонли буйруғининг 3-илоvasи билан фан дастури руйхати тасдиқланган.

Фан дастури Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт таълим муассасалараро Мувофиқлаштирувчи услубий Кенгашининг 2017 йил 24-06 даги "X" – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди

ТУЗУВЧИЛАР:

- Акилов Ф.А. - Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси мудир, т.ф.д., профессор.
Гиясов Ш.И. - Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси доценти, т.ф.д., "Урология" мутахассислиги буйича магистратура директори.
Худайбердиев Х.Б. - Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси ассистенти.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

- Мирхамидов Ж.Х. – Тошкент тиббиёт академияси, урология кафедраси доценти, т.ф.н.
Мухтаров Ш.Т. - Республика ихтисослаштирилган урология маркази АЖ директори в.в.б., т.ф.д.

Фан дастури Олий ва урта махсус, касб-хунар таълими йуналишлари буйича Уқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2017 йил "10" 08 даги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

I. Ўқув фаннинг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Уролог- тиббиёт олий ўқув даргоҳини тугатган, юқори малакали тиббий ёрдам кўрсата оладиган ҳамда доимий профилактика чоратадбирларини ўтказадиган мутахассисдир. Урологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси медицина ривожланишининг муҳим асосларидан биридир. Ривожланиши наслий ва тиббий-ижтимоий факторлар борли булгани холда урологик касалликлар гыдақдан тортиб то кекса ёшдаги кишиларда учраб, урология соҳасида ишловчи мутахассислардан кенг билим ва малакаларни талаб килади. Юқори малакали шифокор-урологларни магистратура оркали тайёрлаш сокликни саклаш муассасаларининг турли соҳаларини (поликлиника, госпитал ва марказлар) аҳолига юқори сифатда даволаш-профилактик ёрдам курсатадиган кадрлар билан таъминлаш имконини беради. Илмий ва педагогик фаолият малакаларни ызлаштирган магистр-уролог Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимининг захирасида буладилар.

Ўқув режасига асосан, урология мутахассислиги буйича магистратура 3 йиллик кундузги укув шаклида булади. Назарий маш\улотларга 840 соат, илмий-педагогик фаолиятга 180 соат, илмий проектга 136 соат, магистрлик амалиётига 2128 соат (хаммаси булиб – 118 хафта) ажратилган. Аудитория машкулотлари ва магистрлик амалиётининг максимал нагрузкаси (юкланмаси) хафтасига 36 соат килиб белгиланган.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Урология фанини ўқитишдан мақсад талабаларни:

- сийдик-таносил аъзолари касалликлари хамда уларнинг асоратларининг диагностикаси, даволаш ва профилактикасининг малакаларини урологиянинг сунги ютуқлари ва энг замонавий медицина технологиялари асосида излаштирган юқори малакали мутахассис тайёрлаш;
- урологик касалликлар хамда уларнинг асоратларининг диагностикаси ва даволаши, тезкор ёрдам учун зарур булган малакаларни узлаштирган юқори малакали мутахассис урологнинг мустакил амалий фаолият курсатиш малакаларини ривожлантириш;
- энг куп тарқалган урологик касалликларни учраш сонини камайтиришга каратилган профилактик тадбирларини амалга ошириш малакаларини ривожлантириш;
- урологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси янги технологияларини излаш ва ишлаб чиқиш, утказилган илмий текшириш натижаларини тахлил килиш, умумлаштириш ва амалиётга татбик килиш малакаларини ривожлантириш;
- урологик касалликлардаги баъзи патологик жараёнларни моделлаштириш ва патогенезини урганиш малакаларини ривожлантириш;
- медицина олий укув юртлари урология кафедраларида ёки курсларида педагогик малакаларини ривожлантириш;

- урологик касалликлари билан огриётган ёки бошидан утказган беморларни ижтимоий реабилитацияси ва хаёт шарт-шароитларини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш малакаларини ривожлантириш;

- урологик касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси, янги технологиялар буйича тематик цикллар, услубий семинарлар ва мутахассис шифокорлар билан консултация тайёрлаш ва утказиш малакаларини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Сокликни саклаш вазирлиги тизимида умумий ва ихтисослаштирилган йуналишларида ҳамда Давлат фан ва таълим комитети органларида маъмурий бошқариш малакаларини ривожлантириш.

Фан бўйича талаба-магистрантлар билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар.

«Урология» магистратура йуналишини магистри:

-буйрак ва сийдик йуллари функционал анатомиясини;

-урологик касалликларини симптоматикасини;

Буйрак ва сийдик йуллари функционал анатомиясини;

-буйраклар, юқори ва пастки сийдик йўллари инфекцион – яллиғланиш касалликлари (сийдик-таносил сили ҳам) ва уларнинг асоратларини, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши, замонавий ташхислаш усуллари, даволаш ва олдини олиш йўлларини;

-сийдик тош касаллиги, унинг эпидемиологияси, этиологияси, патогенези, клиник намоён бўлиши, замонавий ташхислаш усуллари, даволаш ва олдини олиш йўлларини;

-сийдик йўллари симптомларини уродинамик баҳолашни;

-простата беши хавфсиз гиперплазияси ва ракини, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник кўриниши, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари ва профилактикасини;

-буйрак ўсмаларини (паренхимаси ва жомининг), қовуқ, мойк ва олат ўсмаларини, уларнинг этиологияси, патогенези, клиник кўриниши, замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари ва профилактикасини;

-сийдик копи анатомияси, физиологияси, фармокология, сийдик чиқаришнинг функцияси ва дисфункциясининг молекуляр аспектларини, болалар ва катталар ташхис ва даволашнинг замонавий усулларини;

-сийдик тутуаолмасликни, ташхис ва даволашнинг замонавий усулларини;

-буйрак (кистоз касаллиги), сийдик найи, сийдик копи, уретра ривожланиш аномалияларни, этиологиясини, клиникасини, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усулларини;

-буйраклар, сийдик найлари, қовуқ, уретра, ёрғоқ аъзолари жароҳатлари ва уларнинг асоратларини (хусусан, уретра стриктурасини), уларнинг этиологияси, клиник кўриниши, замонавий ташхислаш ва даволаш усулларини;

-буйракларнинг нормал физиологиясини;

-уткир буйрак етишмовчилиги, гемодиализ ва қонни экстракорпорал тозалашнинг бошқа усулларини;

-сурункали буйрак етишмовчилигини;

-симптоматик артериал гипертонияни;

-гидронефрознинг, уретерогидронефрозни, гидрокаликсни ва уларнинг этиологиясини, клиникасини, замонавий ташхис ва даволаш усулларини;

-сийдик – таносил аъзоларини окмаларини ва уларнинг этиологиясини, клиникасини, замонавий ташхис ва даволаш усулларини;

-хомиладорлик билан боғлиқ булган муаммолар ва уларнинг замонавий ташхисини ва даволашни;

-буйракларнинг нормал физиологиясини;

-уткир буйрак етишмовчилиги, гемодиализ ва қонни экстракорпорал тозалашнинг бошқа усулларини;

-сурункали буйрак етишмовчилигини;

-симптоматик артериал гипертонияни **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- урологик касалликларни физикал усуллари билан текшириш;

- урологик касалликларни лаборатор, инструментал усуллари билан текшириш, клиник, биохимик, бактериологик, радиоиммун ва бошқа текширувлар;

- урологик касалликларни ультра товуш текшируви, экстра ва интракорпорал сканирлашнинг барча усуллари;

- урологик касалликларни рентген ва радиологик текширувлар, стандарт текширувлар, КТ ва ЯМР;

- урологик касалликларни уродинамик усуллари билан текширув;

- цистоуретроскопия, уретероскопия ва нефроскопия текширувларини утказиш;

- замонавий классификацияларга асосланган ҳолда тахминий, клиник ва якуний ташхис кўя билиши, сийдик йўллари инфекцияси бор касалларни текшириш режасини тузиши; ўткир пиелонефрит ва унинг асоратлари, сурункали сийдик йўллари инфекцияси, цистит, уретерит касалликларида клиник – лаборатор, иммунологик, морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик текшириш усуллари натижаларини таҳлил

қилиши;

- сийдик йўллари инфекцияси бўлган касалларга алоҳида ёндошган ҳолда комплекс даво усулларини тайинлаш;

- сийдик йўллари суправезикал обструкцияси ва сийдик димланишини ташхислаш ва даволаш усулларини;

- замонавий классификацияларга асосланган ҳолда тахминий, клиник ва якуний ташхис қўя билиши, сийдик тош касаллиги ва суправезикал обструкцияси бор касалларни текшириш ва даволаш режасини тузиши;

- клиник-лаборатор, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик текшириш усуллари ва конкрементларни рентген дифрактометрияси натижаларини таҳлил қилиши;

- кўлланилаётган замонавий таснифларга мувофиқ равишда дастлабки, клиник ва якуний ташхисларни ифодалай олишни, инфравезикал обструкцияси бўлган беморларни текшириш режасини тузишни;

- қуйидаги касалликларда: простата беги хавфсиз гиперплазияси ва раки, простата беги склерози, қовуқ бўйинчаси склерози ва бошқа касалликларда клиник-лаборатор, иммунологик, морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик текширув усулларининг натижаларини изоҳлашни;

- кўлланилаётган замонавий таснифларга мувофиқ равишда дастлабки, клиник ва якуний ташхисларни ифодалай олишни, сийдик йўлларида ўсмалари бўлган беморларни текшириш режасини тузишни;

- қуйидаги касалликларда: буйрак, сийдик найи, қовуқ, олат, мойк ва унинг ортиғи ўсмаларида клиник-лаборатор, иммунологик, морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик текширув усулларининг натижаларини изоҳлашни;

- замонавий классификацияга кура бошланғич, клиник ва якуний ташхисни шакиллантиришни, сийдик ажратиш дисфункцияси булган беморларни текшириш режасини тузиш;

- стресс натижасида сийдик тутуа олмаслик, везикоцеле ва бошқа касалликларда клинко-лаборатор, иммунологик, жаррохлик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик усуллар билан текширувларни интерпретация қилишни;

- замонавий классификацияга кура бошланғич, клиник ва якуний ташхисни шакиллантиришни; сийдик-таносил аъзолари аномалияси булган беморларни текшириш режасини тузишни;

- юкори ва пастки сийдик йўллариининг иккиланишида такасимон буйрак ва бошқа касалликларда клинко-лаборатор, иммунологик, морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик усуллар билан текширувларни интерпретация қилишни;

- кўлланилаётган замонавий таснифларга мувофиқ равишда дастлабки, клиник ва якуний ташхисларни ифодалай олишни, сийдик йўллари

жароҳатлари бўлган беморларни текшириш режасини тузишни;

- қуйидаги касалликларда: буйраклар, сийдик найлари, қовуқ ва жинсий аъзолар жароҳатларида клиник-лаборатор, иммунологик, морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик текширув усулларининг натижаларини изоҳлашни;

- кўлланилаётган замонавий таснифларга мувофиқ равишда дастлабки, клиник ва якуний ташхисларни ифодалай олишни, ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларни текшириш режасини тузишни; ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда клиник-лаборатор текширувлар натижаларини изоҳлашни;

-замонавий классификацияга кура бошлангич, клиник ва якуний ташхисни шакиллантириш, урогинекологик патология ва гидронефроз булган беморларни текшириш режасини тузишни; сийдик копи-кин, уретер-кин окмалари, жом сийдик – найи ва уретеро-везикал сегмент стриктуралари булган беморларда клинко-лаборатор, иммунологик морфологик, рентгенологик, радиологик, функционал ва эндоскопик усуллар билан текширувларни интерпретация қилишни;

- сийдик копи-кин ва уретеро-кин окмаларида, гидронефроз ва уретерогидронефрозда оператив муолажа бажариш;

- кўлланилаётган замонавий таснифларга мувофиқ равишда дастлабки, клиник ва якуний ташхисларни ифодалай олишни, ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларни текшириш режасини тузишни; ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда клиник-лаборатор текширувлар натижаларини изоҳлашни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

-КТ ва ЯМРни интерпретация қилиш;

-урофлоуметрияни, цистоманометрияни, уретрадаги босим профилини ва «давление-поток» текширувларни, Witraker тестини интерпретация қилиш;

-уткир пиелонефрит, простатит, уретрит ва везикулитларнинг йирингли асоратларида жарроҳлик усулларини бажариши;

-сийдик тош касаллиги бор беморларда жарроҳлик усулларини бажариш;

-инфравезикал обструкцияни коррекцияловчи жарроҳлик муолажаларини бажаришни;

-сийдик йўллари ўсмалари бўлган ҳолларда жарроҳлик муолажаларини бажаришини;

-таносил аъзоларининг тугма нуксонларини коррекцияловчи жарроҳлик муолажаларини бажаришни;

-сийдик йўллари жароҳатларида жарроҳлик муолажаларини бажаришни;

-режали гемодиализ ўтказиш мақсадида артерио-веноз анстомозни шакллантиришни;

-хомиладорлик билан боғлиқ булган муаммоларда: уретерогидронефроз, сийдик йули инфекциясида даво тавсия қилиш;

-режали гемодиализ ўтказиш мақсадида артерио-веноз анстомозни шакллантиришни *қўникмаларига эга бўлиши зарур.*

Магистр ихтисослигига қўйиладиган муайян талаблар кадрлар буюртмачиларининг талаблари ва ушбу мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари ҳисобга олинган ҳолда олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

“Урология” мутахассислиги фани Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида замон талабларига жавоб берувчи тиббий ёрдам кўламини оширишнинг асоси ҳисобланади. “Урология” магистратура йўналиши бўйича билим олиш умумий амалиёт шифокори тайёрлаш таълим дастури бўйича тиббиёт олий ўқув юрти муассасаларида олинган билим ва амалий куникмаларга, ўтилган ўқув фанларига асосланади: нормал анатомия; нормал физиология; патологик анатомия ва гистология; патологик физиология; биохимия; микробиология; ички касалликлар пропедевтикаси (лаборатор диагностика усуллари билан); ички касалликлар; хирургик касалликлар; анестезиология ва реаниматология; ифекцион касалликлар; эндокринология; гематология; касб касалликлари; акушерлик ва гинекология; клиник фармакология; болалар жарроҳлиги; онкология; психиатрия; асаб касалликлари; педиатрия ва бошқалар.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

“Урология” магистратура йўналиши талаба-магистрантлари мутахассислик фанларини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материалларидан фойдаланилади. Шу билан биргаликда интернет тармоғидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади. Амалий машғулотларга мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Масалан: фаннинг умумий ва хусусий бўлимларига тегишли мавзуларида ўтказиладиган ақлий ҳужум, қора кути, ўргимчак ини, гуруҳли фикрлаш ва бошқа педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

Асосий қисм: Фаннинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда фаннинг мавзулари мантикий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар, назарий ва амалий мисоллар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича талабаларга ДТС асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг тиббиёт соҳасидаги иш берувчилар талаблари ва соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохатларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

III. Асосий назарий қисм (семинар машғулоти)

Буйрак ва сийдик йуллари функционал анатомияси ва урологик касалликларни тахсиллашнинг замонавий усуллари:

Буйрак анатомияси. Нефрон: коптокчалар функцияси. Буйрак физиологияси (коптокча фильтрацияси, нефрон каналчаларидаги реабсорбция ва секреция, буйрак гемодинамикаси, сув ва натрий баланси; сийдик концентраланиши ва суюлиши; кислота ва ишкорий мувозанат ҳақида тушунча). Буйрак гомеостазида электролитларнинг аҳамияти. Буйрак функционал хусусиятлари (гломеруляр фильтрация тезлиги, буйрак гемодинамикаси, электролитларнинг нефрон каналчаларидаги транспорти, оксилар концентраланиши хусусиятлари).

Сийдик найи ва қовуқ анатомияси ва физиологияси. Урологик касалликлар семиотикаси. Урологик касалликларнинг физикал, лаборатор (шу жумладан иммунологик текширувлар) ва инструментал (урофлоуметрия, цистоманометрия, электромиография, рентгенологик, ультратовуш, радиоизотоп, компьютер томография, MRI, эндоскопик текширувлар) тахсиллаш методлари.

Сийдик йуллари инфекцияси:

Сийдик йуллар инфекцияси (СЙИ) тушунчаси, тарқалганлиги, кечиши ва оқибатлари. Сийдик йулларига инфекция тушиши йуллари ва этилогик факторлари. Бактериурия (яширин, аҳамиятга эга бўлган ва контаминация). СЙИ диагностикаси (умумий асослари): лаборатор, бактериологик усуллар ва локализацион синамалар (Meares-Stamey синамаси). Госпитал инфекция: госпитализм, кўзгатувчилар резистентлиги турлари, госпитализм профилактикаси ва унга қарши курашиш. Пиелонефрит (асоратланган ва асоратланмаган). Ўткир пиелонефрит (пиелит, йирингли нефрит) ва унинг асоратлари (буйрак карбункули ва абсцесси ва паранефрит). Пиелонефрит диагностикаси – рутин усуллар; буйрак ингичка нинали аспирацион биопсиясининг аҳамияти. Пиелонефрит ва унинг асоратларининг давоси; антибактериал терапия ва жаррохлик амалиётларининг (анъанавий ва

перкутан амалиётлар) ўзига хос хусусиятлари. Цистит – эпидемиология ва патогенез. Асоратланган ва асоратланмаган циститлар (тез-тез қайталанувчи, хомиладорларда, кексаларда ва қовуқни катетерлаш билан боглиқ бўлган). Сил этиологияли цистит. Цистит турлари: вирусли, замбурукли, малокоплакия, циклофосфамидли, радиацион, геморрагик, эозинофилли, эмфизематоз ва интерстициал. Диагностика ва даволаш хусусиятлари (медикаментоз ва жаррохлик). Уретритлар – носпецифик ва специфик (гонорейдан сўнг, трихомонададан сўнг, хламидияли, уреаплазмали, микотик, паразитар). Уретритларнинг асоратлари (простатит, везикулит, эпидидимит ва орхит). Уларни даволашнинг узига хос хусусиятлари. Генитал яралар. Венерик лимфагранулема. Генитал сўгаллар (ўткир учли кондилома). Этиологияси, намоён бўлиши ва даволаш усуллари (эндоскопик).

Сийдик тош касаллиги:

Сийдик тош касаллиги (СТК) – тушунча, касаллик мохияти ва терминология. Касалликнинг казуал ва формал генези. Тош пайдо булиши турлари ва хавф омиллари. Гиперпаратиреозидизм тушунчаси. Тош пайдо булиши эпидемиологияси ва стастикаси. Тош пайдо булиш механизмига кўра уролитиаз таснифи (оксалатли, фосфатли, уратли, цистинли, инфекцион ва аралаш генезли уролитиаз). Якка ва кўплаб тошлар ва кораллсимон тошлар. Рецидивланувчи тош пайдо булиши хақида тушунча. СТК клиник намоён булиши (буйрак санчиги, гематурия, калькурия, пиурия, дизурия). СТК рутин диагностикаси; минерал алмашинув холати ва тош минерал таркибини текшириш натижалари. Эндоскопик усулларнинг ишлатилиши (уретрцистоскопия, уретеропиелоскопия ва нефроскопия). Сийдик тош касаллигини даволаш (этиопатогенетик): медикаментоз даво (шу жумладан сийдик рН-ини коррекция қилиш, тузларни сийдикка экскреция бўлишини ва қондаги микдорий даражасини коррекция қилиш) ва жаррохий даво турлари (анъанавий – очик операциялар, эндоскопик, экстракорпорал зарба-тулқинли литотрипсия). СТК асоратлари (СЙИ, гидронефроз, уретерогидронефроз, ренал ва постренал анурия). СТК да «диспансеризация», «диспансер усул» ва «диспансер кузатиш» тушунчалари. Сийдик стази ва обструкция. Обструкциянинг таснифи, этиологияси ва патофизиологияси. Обструкция ва стазининг клиник намоён булиши.

Инфравезикал обструкция:

Инфравезикал обструкция (ИВО) хақида тушунча. Пастки сийдик йуллари физиологияси. Уродинамик текширувлар натижасини интерпретация қилиш (нормал сийиш жараёни, ИВО бўлганда сийиш жараёни, абдоминал кучаниш, уретрал резистентликни камайиши, детрузор-сфинктер диссенергия).

Простатанинг хавфсиз гиперплазияси (ПХГ). Анатомия. Эпидемиологияси ва патогенези. ПХГ клиник намоён булиши (IPSS, бармок билан ректал текшириш, уродинамик текширишлар: урофлоуметрия, цистоманометрия, «оқим-босим» текшируви, уретрал босим профили ва Meares-Stamey модификацион синамаси). ПХГ да даволаш тактикасини танлаш. Консерватив даво: кузатиш тактикаси; медикаментлар (альфа

блокаторлар, 5-альфа-редуктаза ингибиторлари ва фитотерапия); эндоскопик (трансуретрал резекция, инцизия ва ПХГ вапоризацияси, лазерли простатэктомия) усуллар ва ножаррохлик усуллари (стендлаш ва баллон дилатация, простата гипертермияси, абляцияси, криотерапия ва зарба тўлқинли даволаш). ПХГ асоратлари ва уларнинг замонавий давоси (ПК декомпрессия).

Простата раки. Эпидемиология ва этиопатогенези. Простата раки TNM и ва Глиссон буйича “G” ни аниқлаш. Простата раки диагностикаси; рутин ва замонавий текшириш усуллари (қон зардобидида ўсманинг маркерларини топиш, радиоизотоп сканирлаш, компьютер томография, ЯМР, ингичка нинали аспирацион биопсия, корэ-биопсия). Простата ракини даволашга замонавий қарашлар.

Сийиш жараёни ва унинг дисфункцияси:

Қовуқ, сийдик чиқариш канали (эркаклар ва аёлларда) анатомияси, кындаланг-таргил мушак компоненти, сфинктер тушунчаси. Пастки сийдик йуллари силлиқ мушаклари тузилиши ва функцияси. Пастки сийдик йулларининг (ПСЙ) марказий нерв системаси томонидан бошқарилиши. ПСЙ ини уродинамик текшириш усуллари (урофлоуметрия, цистоманометрия, электромиография, уретрал босим профили, комбинирланган «босим-оқим» текшируви, видеоуродинамика).

Сийиш жараёни дисфункцияси таснифи. Сийиш жараёнини нормаллаштиришга каратилган даво (қовуқ ичи босимини ошириш, қовуқдан чиқиш йулидаги босимни камайтириш), муаммони қисман хал қилиш: интермиттирловчи ёки узоқ муддатли қовуқ катетеризацияси; сийдикни бошқа йўл билан ташқарига чиқариш йўлини таъминлаш (илеоцистостомия, цистостомия). Фармакологик даволаш асослари. Неврологик касалликларда сийиш жараёни дисфункцияси (орқа мия, периферик нервлар шикастланиши ва бошқа сабаблар).

Болаларда сийиш жараёнининг дисфункцияси. Сийиш жараёнининг ёшга хос хусусиятлари. Энурез, миелодисплазия ва «от думи» (cauda equina) регрессияси. Тунги сийдик ушлай олмаслик: бирламчи ва иккиламчи энурез.

Сийдик ушлай олмаслик: тушунча, эпидемиология. Патофизиология. Сийдик ушлай олмаслик таснифи (уретрал ва экстрауретрал сийдик ушлай олмаслик). Стрессли сийдик ушлай олмаслик. Сийдик ушлай олмасликни даволаш: медикаментоз даво ва жаррохий даво (шу жумладан эндоскопик усуллар).

Сийдик-таносил аъзоларидаги тугма мажрухликлар:

Буйрак, сийдик найлари, қовуқ ва таносил аъзолари эмбриогенези. Буйрак аномалиялари (микдорий, жойлашув, узаро мунособат, бирлашув турлари; сийдик йиғувчи найчалар тизими аномалиялари). Буйрак қон-томирлари аномалиялари (аберрант ва қўшимча қон-томирлар, артериовеноз фистула ва аневризмалар). Сийдик найлари аномалиялари (иккиланиши, уретероцеле ва сийдик найи эктопияси). Қовуқ аномалиялари (агенезия, гипоплазия, иккиланиш, кып камерали қовуқ, дивертикул, мегауретер-мегацист синдроми, мегацистис). Урахус аномалиялари (бутунлай

битмаслиги, урахус кистаси, синуси ва дивертикули). Қовуқ экстрофияси ва эписпадияси (жаррохий даво усуллари ва реконструктив операциялар натижалари). Клоака экстрофияси. Уретра аномалияси (гипоспадия ва иккиланиши). Орқа уретра клапанлари (I, II ва III типлар). Эркаклар таносил аъзолар аномалиялари (жинсий олат агенезияси ва иккиланиши, микропенис ва бошқалар). Тугма мажрухликлар (аномалиялар) диагностикаси ва жаррохий давоси.

Буйрак кистоз касаллиги: буйрак поликистозининг аутосом-доминант ва аутосом-рецессив турлари (чакалоқларда), ювенил нефронофтиз (буйрак-медулляр кистоз касаллиги), бошқа аъзолар аномалияларида буйрак кисталари, буйрак мультикистоз дисплазияси, буйрак мультилокуляр кистоз касаллиги (кистоз нефрома), буйрак оддий кисталари, буйрак медулляр говак буйрак, буйрак гломеруляр-кистоз ва ортирилган кистоз касаллиги.

Сийдик-таносил аъзолари шикастланиши:

Буйрак травмаси таснифи: буйрак контузияси, буйрак паренхимасини медулляр катлам шикастланмаган холда 1 см гача ёрилиши; буйрак паренхимасини косача-жом тизими шикастланмаган холда 1 см дан ортиқ ёрилиши; буйрак паренхимасини косача-жом тизими ва капсула билан биргаликда ёрилиши; буйрак артерияси ва венасининг шикастланиши; буйрак мажақланиши; буйракни ўз томирли «оёқчасидан» узилиб кетиши. Буйрак шикастланиши диагностикаси ва тактика.

Сийдик найларини шикастланиши: ташқи таъсиротлар (контузия, қисман ёки тўлиқ ёрилиши, эзилиши, узилиши), жаррохий – ятроген (эзилиши, узилиши, кундалангига бутунлай кесилиб кетиши, боғланиб қолиши, деваскуляризация, сийдик фистулаларини пайдо бўлиши), радиацион, ёт жисмлар миграцияси. Ташқи таъсиротлар ва жаррохий (ятроген) шикастларни даволаш.

Қовуқ шикастланиши этиологияси. Қовуқ шикастланиши таснифи: ёпиқ (контузия, интерстициал, интраперитонеал, экстраперитонеал ва аралаш шикастланиши) ва очик шикастланиши. Қовуқ шикастланишини даволашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Уретра шикастланишининг таснифи (I, II ва III типлар). Шикастланиш турига кыра (контузия, қисман ёки тўлиқ ёрилиши, тешиб ўтувчи шикастланиши) уретра травмасини даволашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Уретра шикастланишининг асоратлари (уретра стриктураси). Уретра шикастланишининг кўп вақт ўтмаган ва узок муддат ўтгандан сўнг даволаш.

Уретра стриктураси (тасниф). Уретра стриктураси диагностикаси (уродинамик, рентгенологик ва эндоскопик текширув усуллари). Уретра стриктурасини даволаш: анъанавий (уретра пластикаси) ва эндоскопик (уретротомия, резекция ва лазерли скалпелдан фойдаланиш).

Ёргоқ аъзоларининг шикастланишининг механизми, диагностикаси ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Буйрак етишмовчилиги ва симптоматик артериал гипертензия:

Буйрак нормал физиологияси. Ўткир буйрак етишмовчилиги (ЎБЕ), эхтимолий сабаблар (миоглобинли нефротоксикоз, рентген-контраст модда

юборилиши сабаблик) ва тез ёрдам. ЎБЕ турларини (преренал, интраренал ва постренал) ўзига хос томонлари. Полиурик холат (постренал, интраренал ва преренал).

Сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ). СБЕ патофизиологияси ва асоратлари (сийдик йўллари инфекцияси, буйрак орттирилган кўплаб кисталари буйрак хужайраси карциномаси (renal cell carcinoma); бепуштлик ва эректил дисфункция, гинекомастия; меъда – ичак йўли, нерв-мушак тизими ва юрак – қон томир тизимининг шикастланиши; қонда бўладиган ўзгаришлар, суяклардаги ва метаболик ўзгаришлар). Буйрак трансплантацияси.

«Артериал гипертензия» тушунчаси, артериал босмини миқдорига таъсир қилувчи физиологик параметрлар (юрак зарб хажми, қон минутлик хажми, юрак қисқаришлари частотаси, веноз қон келишининг хажми ва умумий периферик қаршилик). Ренин-ангиотензин-альдостерон тизими. Артериал гипертензия келиб чиқиши механизми: нефроген гипертензия, эндокрин гипертензия, вазоренал гипертензия, лаборатор ва инструментал текширувларнинг ўзига хослиги. Симптоматик гипертензияни даволаш (ангиохирургик усуллар билан: баллонли дилатация, шунтлаш ва перкутан транслюминал ангиопластика).

Урогинекология ва гидронефроз:

Гидронефроз ва гидрокаликоз тушунчаси. Гидронефроз ва гидрокаликоз сабаблари (туғма, орттирилган - ятроген). Гидронефроз ва гидрокаликоз патофизиологияси. Гидронефроз клиник намоён булишининг ёшга хос хусусиятлари. Артериал гипертензия, сийдик йўллари инфекцияси ва гидронефроз. Гидронефроз диагностикаси (Witaker синамасининг ахамияти). Гидронефрозни оператив даволаш: анъанавий (жом-сийдик найи сегментини турли усуллар билан резекция қилиш ва уретеропиелоанастомоз) ва эндоскопик усуллар.

Мегауретер тушунчаси. Бирламчи рефлюксланувчи мегауретер, иккиламчи рефлюксланувчи мегауретер; бирламчи ва иккиламчи мегауретер обструкция билан; бирламчи обструктив мегауретер (уретеровезикал «оғизча» тугма стриктураси, сийдик найи клапанлари, сийдик найи эктопияси), дистал адинамик сегмент, иккиламчи обструктив мегауретер (сабаблари: уретра клапанлари, нейроген қовуқ, уретероцеле, томирли компрессия, ятроген омиллар). Мегауретер инструментал диагностикаси: USC, экскретор урография, цистография, уретероцистография, Witaker синамаси. Мегауретер жаррохий давоси: сийдик найини қовуқа антирефлюкс усул билан неоимплантацияси.

Қовуқ-кин, уретра-кин, уретеро-кин, уретеро-уретрал фистулалар (этиология, клиника, диагностика ва даволаш). Простатининг фистулалари (жаррохий даво усуллари). Қовуқ-ингичка ичак, ректо-вагинал, буйрак ва юқори сийдик йўллари фистулалари (этиология, клиника, диагностика ва даволаш). Фистуланинг бошқа турлари, жаррохий давонинг ўзига хос хусусиятлари. Овқатланиш.

Хомиладорлик даврида буйрак физиологияси. Хомиладорликда урологик сипмтомлар ва дори препаратларини ишлатилиши. Хомиладорликда сийдик йўлларидаги ўзгаришлар (гидронефроз). Хомиладорлик ва сийдик тош касаллиги. Хомиладорликда сийдик йўллари инфекцияси ва буйрак етишмовчилиги. Орқа мияси шикастланган хомиладорларда учрайдиган урологик муаммолар. Хомиладорларда пастки сийдик йўллари дисфункцияси.

Уроонкология:

Буйрак ўсмалари таснифи. Буйрак хавфсиз ўсмалари: аденома, онкоцитом, ангимииопомава бошқалар. Бирламчи хавфли буйрак ўсмалари: буйрак хужайраси карциномаси (этиология, молекуляр генетика, клиника ва диагностика, босқичлари ва прогноз, патологик анатомия, даволаш). Буйрак хужайраси карциномаси (БХК) икки томонлама ёки ёлғиз буйракда. БХК метастазлари. Буйрак жоми ўсмаси карциномаси (этиология, молекуляр генетика, клиника ва диагностика, босқичлари ва прогноз, патологик анатомия, жаррохий даволаш, радиотерапия ва химиотерапия). Буйрак саркомаси. Иккиламчи хавфли буйрак ўсмаси. Ретроперитонеал бирламчи ўсма. Сийдик найи хавфсиз ўсмаси. Сийдик найи бирламчи хавфсиз ўсмаси (этиология, клиника ва диагностика, босқичлари ва прогноз, жаррохий даволаш, адъювант терапия). Сийдик найи иккиламчи хавфли ўсмалари.

Қовуқ ўсмалари эпидемиологияси ва этиологияси. Патогенез. Уротелий нормада. Қовуқ рак олди холатлари (пролиферацияси). Цистит, нефроген аденома, метаплазия, кондиллома. Псевдосаркома. Ўтувчи хужайрали карцинома (дисплазия, папилляр аденокарцинома, урахус аденокарциномаси, метастатик аденокарцинома, дифференциаланмаган аденокарцинома, босқичлари). Диагностика (симптомлари, сийдик цитологияси, флюоресцентли микроскопия, цитометрия, диагностик цистоскопия, экскретор урография, КТ, ЯМР, УЗИ ва бошқалар). Қовуқ юзаки ўсмалари давоси (биопсия, резекция). Қовуқ инвазив ўсмалари давоси (трансуретрал резекция, қисман ва радикал цистэктомия, химиотерапия, қовуқ трансплантацияси ва бошқалар).

Уруғдон ўсмалари (эпидемиология ва этиология). Эмбрионал хужайрали карцинома, полиэмбриома, хориокарцинома, тератома, оддий эпидермоид киста ва бошқалар. Уруғдон метастатик ўсмалари. Герминал хужайрали ўсмалар диагностикаси. Уруғдон ўсмалари босқичлари. Ретроперитонеал лимфаденомэктомия қилинган беморларни операциядан олдинги тайёргарлиги ва операциядан кейинги даволаш ва кузатиб бориш. Уруғдон бошланғич ўсмаларни давоси. Уруғдон ортиғи ўсмалари. Ёрғок ўсмалари.

Хавфсиз ўсмалар (кондиллома, моллюск, папиллома). Жинсий олат терисининг рак олди касалликлари (лейкоплакия, кондиллома, Bushke-Lowenstein). Жинсий олат карциномаси. Жинсий олат эпителиал карциномаси (эмбриология, хавф омиллари, ёш, циркумцизия, фимоз, венерик касалликлар). Даволаш (лазеротерапия, регионал лимфа тугунларини

олиб ташлаш, химиотерапия). Жинсий олат бирламчи меланомаси, саркомаси, лимфомаси.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

5.2.2.1 Поликлиника – тематик хоналар (ушбу ротацция таълим олиш бошланишидаги таништирувчи ротаццияси ҳисобланади):

Ротацциянинг мақсади: Косультатив поликлиника шароитида ишлаб чиқилган алгоритм (стандарт) лар асосида беморларни мустақил қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-турли касалликлари бор беморларни сўраб суриштириш ва анамнезини йиғиш;

-физикал текширувларни бажариш (кўздан кечириш, қорин бўшилиғи аъзолари, буйрак, ёрғоқ аъзолари пальпацияси, простатани бармоқ билан тўғри ичак орқали текшириш ва бошқалар);

-дастлабки ташхис қўйиш ва текширув режасини белгилаш;

-тиббий ҳужжатларни ёзиб бориш.

5.2.2.2 Урологияда ультратовуш текширув:

Ротацциянинг мақсади: урология амалиётида қўлланиладиган ультратовуш текшириш усулларини эгаллаш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-буйраklar, сийдик найи, қовуқ, простата, эркаklar ташқи таносил аъзоларини ультратовуш аппаратида турли датчиклар билан текшира олиш ва уларни интерпретация қилиб, квалификацияли хулоса қилиб бера олиш;

-TRUS простаты бажара олиш, натижаларини интерпретация қилиш ва квалификацияли хулоса қилиб бера олиш.

5.2.2.3 Урологияда рентгенологик текширув:

Ротацциянинг мақсади: урологик амалиётда қўлланиладиган ва кенг тарқалган рентгенологик текширув усулларини бажара олиш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-сийдик йўллари умумий урограммасини бажара олиш, алгоритм асосида интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-эксретор урографияни бажара олиш, алгоритм асосида интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-антеград пиелографияни бажара олиш, алгоритм асосида интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-ретроград уретеропиелографияни бажара олиш, алгоритм асосида интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-уретрографияни бажара олиш, алгоритм асосида интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-цистографияни бажара олиш, алгоритм асосида интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-рентгенэндоваскуляр текширувларни (аортография, селектив буйрак ангиографияси, буйрак венаси флебографияси, кавернозография ва бшқа) алгоритм асосида интерпретация қилиш;

-махсус рентгенологик текширувлар: КТ ва ЯМР натижаларини интерпретация қилиш.

5.2.2.4 Цистоскопия:

Ротациянинг мақсади: уретроцистоскопия ва сийдик найи катетеризацияси усулларини эгаллаш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-алгоритм асосида цистоскопияни бажара олиш, турли патологиялардаги (гематурия, қовуқ ўсмаси ва б.) натижаисини интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-алгоритм асосида уретроскопияни бажара олиш, турли патологиялардаги (гематурия, қовуқ ўсмаси ва б.) натижаисини интерпретация қилиш ва хулоса ёза олиш;

-сийдик найини катетеризация қилиш.

5.2.2.5 Урологияда уродинамик текширувлар:

Ротациянинг мақсади: уродинамик текширув усулларини эгаллаш

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-урофлоуметрияни бажара олиш ва униг натидаларини интерпретация қила олиш;

-инфузион цистометрини бажара олиш ва униг натидаларини интерпретация қила олиш;

-«босим-оқим» бажара олиш ва униг натидаларини интерпретация қила олиш;

-махсус уродинамик текширувлар (уретрал босим ёки сийдик найи босими профили, видеоуродинамик текширувлар, Витакер синамаси).

5.2.2.6 Трансуретрал операциялар:

Ротациянинг мақсади: трансуретрал операциялар усулларини эгаллаш (резидент уретроскопия, цистоскопия ва простата TUR усулларини яхши билиши лозим).

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-трансуретрал ва трансвезикал операциялар: простата хавфсиз гипреплазиясида ёки простата ракида TUNA, TVNAP ва TURP малакаларини эгаллаш;

-уретра стриктурасида трансуретрал операциялар ва/ёки муолажаларни бажара олиш;

-уретра ёки қовуқ полипларида трансуретрал операциялар бажара олиш.

5.2.2.7 Перкутан эндоурологик операциялар:

Ротациянинг мақсади: Перкутан эндоурологик операциялар усулларини эгаллаш (резидент уретроцистокопия, сийдик найи катетеризацияси усулларини яхши билиши керак).

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-сийдик йўллари супра ва инфравезикал обструкцияси оқибатида келиб чиққан ўткир ва сурункали ретенцияларда перкутан пункцион усуллар билан сийдик деривациялаш операцияларини бажара олиш;

-сийдик тош касаллиги ва унинг асортларида перкутан эндоурологик операциялар малакаларини эгаллаш.

5.2.2.8 Традицион операциялар:

Ротациянинг мақсади: турли урологик касалликларда буйрак, сийдик йўллари, простата ва эркаклар ташқи жинсий аъзоларидаги традицион операциялар усулларини эгаллаш (резидент хирургик доступлар техникаси, жароҳат сабаблик булган яраларни тикиш ва бошқаларни билиши лозим).

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-буйрака, сийдик чакариш йулларида, простата безида, сийдик пуфагида, мойк органларида хирургик йул очиш ва уни тикиш;

-куп таркалган урологик операцияларни амалга ошириш: пиелотомия, уретеролитотомия, цистолитостомия, эпицистостомия, варикоцеледа операцион амаллар, уругдон шишида, фимоз, парафимоз ва бошқалар.

5.2.2.9 Экстракорпорал зарбтўлқинли литотрипсия:

Ротация мақсадлари: Экстракорпорал зарбтўлқинли литотрипсиянинг усулларини буйрак ва сийдик йуллари тош касалликларида эгаллаш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-экстракорпорал зарбтўлқинли литотрипсиянинг усулларини буйрак, юкори ва пастки сийдик йуллари тош касалликларида бажариш.

5.2.2.10 Стационар булимида:

Ротация мақсадлари: Стационар шароитда операциядан сунгги ҳолатдаги касалларни кузатиш амалий куникмаларини эгаллаш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-касалларни турли операциядан сунг кузатиш, медикаментоз даволашга курсатмаларни аниклаш;

-операция яраларини кузатиш, яраларни боғлаш, чоккларни олиш ва бошқ;

-дренажларни кузатиш, уларни ишлаш самарадорлигини баҳолаш, уларни олиб ташлашга курсатмаларни билиш;

-керакли тиббий варакаларни тулгизиш, “чикиб кетиш”, статистик варакаларини тулдириш ва бошқа.

5.2.2.11 Гемодиализ ва бошка экстракорпорал кон тозалаш усуллари:

Ротация максадлари: замонавий экстракорпорал кон тозалаш усуллари билан танишиш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-гемодиализ ва бошка экстракорпорал кон тозалаш усулларига курсатмаларини аниклаш.

5.2.2.12 Реанимация ва интенсиф даволаш:

Ротация максадлари: Якин операцион давирдаги касалларни олиб бориш билан танишиш;

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-якин операцион давирда дренаж ва операцион яраларни кузатиш;

5.2.2.13 Кабул булими:

Ротация максадлари: Шошилинч холатларда урологик паталогияси бор касалларга тиббий ердан курсатиш. Касалхонага мурожат килган касалларга хужжат тулдириш тартибини таништириш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-шошилинч холатларда керакли текшириш усулларини бажариш: буйрак ва сийдик пуфаги УТТси, рентген усуллар ва бошқа;

-шошилинч холатларда урологик паталогияси бор касалларга тиббий ердан курсатиш: буйрак коликасида огриксизлантириш, уретра катетеризация ва бошқ;

-шошилинч холатда мурожат килган касалларга хужжат тулдириш.

5.2.2.14 Поликлиника – тематик хоналар:

Ротация максадлари: Консултатив поликлиника шароитида, мустакил холда, олинган алгоритмлар асосида, устоз кул остида, якуний ташхиз қуйиш ва кейинги даволашни е/еки даволашни давом еттиришни эгаллаш.

Магистр қуйидагиларни бажара олиши зарур:

-турли касалликларда касални шикоятларини ва анамнезини сураш;

-физикал текширишларни утказиш;

-тахминий диагноз қуйиш ва кейинги текшириш режасини белгилаш;

-утказилган текширишларни тахлил қилиш ва якуний ташхисни яратиш, кейинги текшириш режасини белгилаш;

-касалхонадан чиқарилган касалларни даволаш билан боғлиқ ҳолда, бутун хажмдаги даволаш-диагностик тадбирларни амалга ошириш, дренаж ва чокларни олиш;

-бутун хажмда тиббий варақаларни олиб бориш.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

«Урология» фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустақамлаш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги амалий масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий докладлар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куруллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланишга тавсия этилади.

* дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;

* тарқатма материаллар бўйича назарий машғулотлар қисмини ўзлаштириш;

* компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;

* махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;

* талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;

* интерактив ва муаммоли ўқитиш жараёнида фаол қатнашиш;

* масофавий (дистанцион) таълимни ташкил этишда қатнашиш.

VI. Асосий ва кўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.

Асосий адабиётлар:

1. Урология. Проф. Акилов Ф.А. тахририятидаги тиббиёт олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик. Ташкент, 2011й. 759 бет.

2. Урология. Урология фани бўйича ўқув қўлланма (лотин алифбосида). Андижон, 2008, 480 бет.

Кўшимча адабиётлар:

1. Урология по Дональду Смигу. Э.Танаго. Москва, 2005 г

2. Patrich C. Walsh «CAMBELL'S UROLOGY». Урологиядан кулланма, унинг нашри

3. Урология. Основные разделы. Д.Ю.Пушкарь, Москва, 2010 г.

4. Заболевания предстательной железы. О.Л.Тиктинский, С.Н.Калинина. Москва, 2006 г.
5. Рентгенологическое исследование органов мочевой системы. Б.И.Ищенко. Москва, 2010 г.
6. Детская урология. А.Г.Пугачев. Москва, 2008 г.
7. Секреты урологии. М.Резник, Э.К.Новик. С-Петербург, 1998г.
8. Андрология. О.Л.Тиктинский. Москва, 2003 г.
9. British Journal of Urology.
10. Current opinion in urology.
11. European urology.
12. Journal of Endourology.
13. JAMA.
14. The Journal of Urology
15. European Urology video journal.

Интернет сайтлари

1. Uroweb.ru
2. Urotoday.com
3. Medfix.ru
4. Ejgm.org
5. Sciencedirect.com
6. Egymedicine.net